



# Ishonch

**Моҳият**  
**Даврон**  
**Элининг**  
**жисмида ҳам**  
**жон бўлғил,**  
**Ҳам**  
**жонларига мояи**  
**дармон бўлғил.**  
 Алишер НАВОЙИ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

**Сурхондарё вилоятида иқтисодийнинг муҳим тармоқларидан бири — хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, шу орқали аҳоли бандлигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.**

**Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жаддалаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.**

**Барқамол авлод йилида Сурхондарё вилоятида 238 савдо ва маънавий хизмат шохбаси ташкил этиш ҳамда 21 минг 800 дан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.**

**Термиз шаҳрида сўнгги беш ой давомида ўндан зиёд янги хизмат кўрсатиш шохбаслари ишга туширилди. Вилоят марказида барпо этилган замонавий савдо ўйи қурилишига «Эверест» фирмаси 1 миллиард 300 миллион сўм миқдорда маблағ сарфлади. Шунингдек, «Қишлоққурилиш-банк»нинг вилоят филиали ҳам молиявий кўмаклашди. Барча кулайликларга эга янги маъмулда бугунги кунда юзга яқин киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда кўрсатилаётган хизмат сифатидан миқдорлар мамнун.**

(ЎЗА)

## Сервис соҳаси — тараққиёт босқичида



Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар

## Хисобот-сайлов конференциялари

### Муносабат ўзгармоқда

**ЎзКУФК ўқув марказида Республика ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Тошкент шаҳар вакилликнинг II конференцияси бўлиб ўтди.**

— Вакиллик тасарруфиди 142 та корхона ва ташкилот бўлиб, 31600 га яқин ишчи-ҳодимнинг барчаси жамоа шартномалари орқали ҳимояланган, — деди Тошкент шаҳар вакили Нодира Хидирова. — Шунингдек билан таъкидлаш керакки, хисобот даврида меҳнат муҳофазасига эътибор анча кучайди. Бунда фаоллар ва жамоатчилик асосида сайланган вакиллар иштирокида ўқув-семинарларини мунтазам ўтказиш йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда.

Касаба уюшма фаоллар ва ходимларнинг ҳуқуқий савдонлигини ошириш мақсадида уларни зарур ҳужжат ва адабиётлар билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Жорий йилнинг январь-апрел ойларида вакиллик тасарруфидидаги барча гуруҳ, бошланғич ва бирлашган касаба уюшма ташкилотларида хисобот-сайлов йиғилишлари юқори савияда, ошқоралик ва танқидий руҳда ўтди. Ўтказилган анжуманлар аъзолар дунёқароши, ишга муносабати тамомилан ўзгарганини намойиш этди. Бўлиб ўтган хисобот-сайлов жараёнида касаба уюшма кўмиталарининг янги таркибига кўплаб ёш етакчилар қўшилди.

Маърузачи, шунингдек, хисобот даврида ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларга эътибор, олий ўқув юртиларида шартнома асосида тахсил олаётган талабаларга кўрсатилаётган моддий ёрдам, ёш ходимларга уй-жой қурилиши учун корхоналар ҳисобидан берилган амалий кўмак ва бошқа долзарб масалалар ҳақида атрафлича маълумот бериб ўтди.

Анжуманда меҳнат муҳофазасига масъул айрим мутахассислар ва касаба уюшма етакчиларининг назорати сустиги, иш бевуричлар олдига етарли даражада талаб қўя олмаётганлиги натижа-сида жамоа шартномаларига киритилган бир қанча бандлар ба-жарилмай қолётгани танқид қилинди.

Конференцияда «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси Р.Тургунов, «Ўзэлектртармоқ» унитар корхонаси бош директор ўринбосари А.Элмуродов ва бош-қалар сўзга чиқиб, эришилган ютуқлар, мавжуд камчиликлар, амал-га оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида таклиф ва мулоҳазаларини билдирди.

Н.Хидирова Марказий кенгашнинг Тошкент шаҳридаги вакили этиб тайинланди.

## Чора-тадбирлар самараси

**Халқ фаровонлиги шартларидан бири бўлмиш қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик махсулотлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш кўп жиҳатдан соҳа мутахассисларининг қай даражада билимдонлигига боғлиқ.**

Тошкент давлат аграр университетидида бўлиб ўтган Агросаноат маъмуи ҳодимлари касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши-нинг хисобот-сайлов конференцияда ўтган вақтда эришилган ютуқ-лар, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарил-ган ишлар ҳақида сўз юритилди.

— Чорвачиликда хусусий секторни тараққий эттириш, томорқа ва иссиқхоналар фаолиятини кенгайтириш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар қишлоқ аҳлини руҳлантирмоқда, — деди кенгаш раиси Бахтиёр Холмирзаев. — Бу ишларга касаба уюшма ташки-лотлари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келаятгани қувонarliдир.

Вилоятда жорий йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш, қасаначиликни йўлга қўйиш, хиз-мат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш хисобидан 18 минг-дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Аҳолига хизмат кўрсатувчи 268 та шохбача ташкил этилди. 34,4 миллион АҚШ доллари миқ-доридида инвестиция ўзлаштирилиб, 4 та янги корхона ишга туши-рилди. 11 та корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати оширилди.

Анжуманда, шунингдек, меҳнатқашларга яратилган имтиёз, уларни соғломлаштириш, ўқувчиларнинг таътилни кўнгилли ўтқа-зиши, ижтимоий муҳофазага муҳтож аълочи талаба ва магистр-ларга стипендиялар бериш каби муҳим масалалар юзасидан қилинган ишлар тилга олиб ўтилди.

Б.Холмирзаев янги мuddатга раисликка сайланди. Конференцияда Тошкент вилоят ҳўқими ўринбосари Сайёра Файзиёва ҳамда вилот касаба уюшма ташкилотлари бирлашма-си кенгаши раиси М.Тулаганова иштирок этди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ,  
«Ishonch» муҳбири

## Матбуот маркази анжуманга тайёр

Тошкент шаҳрида 10-11 июн кун-лари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. Сам-мит очилиши олдидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширил-ди.

Саммитнинг бош форумини ёритиш-да Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғи-зистон, Тожикистон, Туркменистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистоннинг турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин

вакил, қарийб 200 нафар маҳаллий журналист қатнашади.

ШХТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаоли-яти самарадорлиги изчил ошиб бора-ётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғот-моқда. Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотга аъзо, кузатувчи, меҳмон сифатида таклиф этилган дав-латлар, балки кўплаб бошқа мамла-катларнинг оммавий ахборот восита-лари, нуфузли халқаро нашрлар, йи-рик ахборот агентликлари ва телека-

наллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далили-дир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун «Ўзэкспомарказ»да барча кулайликлар-га эга халқаро матбуот маркази таш-кил этилди. Саммит кунлари журна-листлар иш олиб борадиган ушбу мар-каз энг юксак талабларга жавоб бера-диган замонавий техника — электрон намойиш стендлари, Set-top-box, оп-тик-толали ва мобил алоқа воситала-

ри билан жиҳозланган. Давлат раҳбар-лари кенгашининг мажлиси ва саммит-нинг бошқа тадбирларидан хост-брод-кастинг шаклида телевизион трансля-ция ташкил қилинади, ЎЗА томонидан ШХТ форумининг асосий воқеалари фото-хостингги очилади.

Марказда саммит арафасида ва ан-жуман бўлиб ўтадиган кунлар журна-листларнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

(ЎЗА)

## Касаба уюшмаси: кеча, бугун, эртага

### Янгича иш услуби

**замонавий ёндашувни тақозо этади**

**Ҳатто кийинга муносабат ҳам фасл ва иқлим, керак бўлса, қайси давр ва шароитда яшайётганингизга қараб тез-тез ўзгариб туради. Ижтимоий масалалар ҳам шундай. Муста-қиллик бизга барча жаҳалларда кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Хамма гап — ундан қандай фойдаланиш ва омилқорона қўлай билишда.**

**Савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркор-лар касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Баҳодир Мирзаев билан суҳбатимиз мавзуси ҳам шу ҳақда.**

— Ҳар бир янги кунни ўзгача шуқуҳ ва умидворлик билан кутиш одамзотнинг қонида бор, — дейди кенгаш раиси. — Лекин биз яхши биламизки, бугунги кун кечаги кун билан қандай узвий боғлиқ бўлса, эртанги кун ҳам бугунги амалларимизнинг давомидир. Бу қандайдир маънода экин-тикинга ўхшаб кетади: бириси эртапишар бўлгани ҳолда, бошқасининг ҳосилини яна бироз кутишга тўғри келади. Аммо ҳар икки ҳолда меҳр билан парвариш қилиш тақозо этилади.

Табиики, касаба уюшмалари фаолиятида ҳам ушбу тамойил асос ҳисобланади. Шароит қандай бўлишидан қатъи назар ҳеч бир киши озор чекмасин, умид билан тақиллатиб кирган эшигидан норози бўлиб чиқиб кетмасин.

— Бундан бир ой муқаддам Тошкентда Осиё тараққиёт банки бошқарувининг навбатдаги анжумани бўлиб ўтди. Турли мамлакатлардан келган иштирокчилар ватанимизда юз берган ўзгаришлардан хайратта тушганликларини яши-риб ўтирмадилар ҳам. Айниқса, уларда Ўзбекистон жаҳон молиявий-иқтисодий инкироздан деярли азият чекмаганли-ги катта таассурот қолдирди.

— Авваламбор, бу давлатимиз раҳбарияти, хусусан, Юртбошимизнинг узқни қўлаб юритаётган доно сийёсатининг натижаси-дир. Энг муҳими, одамларимиз бугунги сийёсий-иқтисодий вази-ятни тушуниб өтди. Уйлайманки, бунда касаба уюшма органла-рининг ҳам ўзига яраша муносиб ҳиссаси бор. Хусусан, «Ўзбекист-он Республикаси Ҳукуматининг жаҳон иқтисодий кризисни оқибат-лари олдидан олиш ва бартараф қилиш бўйича кризисга қарши дастурининг бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғри-сида»ги қарори вилот кенгаши раёсат йиғилишида муҳокама эти-либ, тегишли тадбирлар ишлаб чиқилди.

Қўрилган чора-тадбирлар натижасида 2009-2010 йиллар даво-мида тадбиркорлик субъектлари корхоналарида кўплаб янги иш ўринлари яратилди. Касаба уюшма аъзолик бадалларини йиғиш бирмунча яхшиланди, бюджет маблағларидан ортиқча сарф-хара-жатларга йўл қўймаслик чоралари қўрилди.

(Давоми 2-бетда)

**Бозор иқтисодиёти шароитида банклар-нинг ўрни бекиёс. Чунки қайси соҳани олиб қараманг, улар ўз фаолиятини банк-ларсиз тасаввур қилолмайди. Юртбо-шимиз томонидан мазкур соҳага оид қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар тизимнинг янада ривожланиши-га хизмат қилмоқда.**



## Банк миқроз учун

## Молия муассасалари — иқтисодий таянчи

Жорий йилнинг беш ойи да-вомида банклар томонидан ки-чик бизнес ва хусусий тадбир-корлик вакилларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат махсулотлари-ни ишлаб чиқариш, савдо, хиз-мат кўрсатиш соҳаларини ри-вожлантириш ва янги иш ўрин-лари яратиш учун 1000,9 млн. сўм миқдорда кредит ажратил-ди. Бу борада «Ипотека-банк»-нинг Бекобод филиали фаоли-ятига назар соладиган бўлсак, эътиборли ишлар амалга оши-риллаётганлигини кузатиш мум-кин.

Жаҳон молиявий инкирози-нинг салбий оқибатларини бар-тараф этишга қаратилган нор-матив ҳужжатлар асосида фи-лиалда махсус дастур ишлаб

чиқилди ва тегишли ишлар олиб борилмоқда. Масалан, экспортёр корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилда «Ўзметкомбинат» АИБ корхонасига имтиёзли мuddат билан айланма маблағлар-ни тўлдириш учун чет эл валю-тасида кредит ажратилди.

Миқозларга қўлайлик яра-тиш, уларнинг вақтин тежаш учун интернет-банк, sms-banking, банк-клиент каби за-монавий хизматлар, турли ома-натлар таклиф этилмоқда. Фи-лиалда ташкил этилган Вестерн Юнион, Контакт, Мигом, Юни-стрим каби халқаро пул ўтказ-малари мингдан ортиқ миқоз-ларга тизим шохбаслари ор-қали хизмат кўрсатмоқда.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида пластик кар-точкалар кенг фойдаланилмоқда. Филиалимиз томонидан бу со-ҳада изчил ишлар олиб бори-лаяпти, — дейди мазкур банк филиали раҳбари Адил Соби-ров. — Аҳолига 24 мингдан ортиқ пластик карточкалар тар-қатилди, 120 дан ортиқ терми-наллар савдо дўконлари, хиз-мат кўрсатиш шохбасларига ўрнатилди ва улар орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалга оширилмоқда.

Бу эса айни чоғда нақд пул маблағининг банклар орқали айланишига, иқтисодий-тимиз-нинг янада ривожланишига хиз-мат қилмоқда.

Н.ЖўРАБЕКОВА

## Юксалиш

**Ёқилги-энергетика комплекси, кимё sanoati ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Хоразм вилоят вакиллик тасарруфидидаги 12 та корхона ва ташки-лот юз фойз жамоа шартномалари билан камраб олинган.**

Жамоа шартномалари орқали иш ҳақи, иш билан таъминлаш, меҳнат шароити ва муҳофазаси, меҳнатқашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, боқувчисини йўқотган, кўп болали, кам таъминланган оилаларга қўшимча имтиёзлар берилмоқда.

Ўтган давр мобайнида кам таъминланган ва кўп болали оила-лар, ёлғиз кексалар ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Касаба уюшма тасарруфидидаги ногирон ишчи-ҳодимларнинг 30 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. 4 нафар ногиронга ногиронлик арава-часи сотиб олиб берилди.

Жамоа шартномалари орқали 702 нафар ходим санаторийлар-да, 3350 нафар ходим санаторий-профилакторийларда соғлом-лаштирилди. Марказий кенгашнинг оролбўйи болаларини соғлом-лаштириш тўғрисидаги қарорига асосан, Тошкент ва Қашқадарё вилотлардаги оромгоҳларда ишчиларнинг 180 нафар, «Ўрган-трансгаз» корхонаси ишчиларининг 2292 нафар фарзанди соғ-ломлаштирилди.

Вакил Сувлетна Худойберганова вакиллик томонидан қилин-ган ишларга батафсил тўхталди.

Музокарада сўзга чиққанлар вакиллик фаолияти ҳақида ижо-бий фикр билдирди.

Муҳаббат ТўРАБЕКОВА,  
«Ishonch» муҳбири



Саломатлик Касални даволашдан кўра...

Фазалат шахрида ташкил этилган Абу Али ибн Сино номидаги хусусий поликлиника фаолиятидан барча мамнун.

— Туман аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказаямиз, — дейди бош шифокор Ҳабибулла Муродов. — Мақсад жиддий касалликка чалинишининг олдини олиш. Бунда Тошкент вилоят «Медтехника» ҳамда «Дори-дармон» унитар корхонаси билан тузган шартномамиз асосида. Бир марта ишлатилган тиббий асбоблардан фойдаланамиз. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, мижозларимиз сафига Юқори Чирчиқ, Паркент туманлари ҳамда Чирчиқ шаҳри аҳолиси ҳам қўшилиди. Дарҳақиқат, бугун Ўрмон Тўлаганов, Баҳром Рустамов каби шифокорлар ҳамда Ойчехра Норинбоева, Елена Горбачёва каби ҳамшираларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ўз мухбиримиз

Янгича иш услуби

замонавий ёндашувни тақозо этади

(Давоми. Боши 1-бетда). Шунга қарамадан меҳнат аҳлига ғамхўрлик, меҳр-муруватга йўғрилган тадбирлар қамайгани йўқ, спорт-соғломлаштириш ва маърифий ишларга эътибор янада кучайди.

— Биринчи мингга, мингичи туманга, деган нақл бор халқимизда. Яъни, бир кишининг кўнгли оғриси, буни кўрган ёки эшитган билган яна қанча одамни оғир кайфият домига тортади. Ёки аксинча, битта яхшилик яна қанчадан-қанча кишиларда умид ва ишонч туйғуларини мустаҳкамлайди. — Нимага шама қилаётганингизни тушундим. «Инсонга наф келтириш — олий бахт» — касаба уюшмаларининг ушбу шиори биз учун нафақат широр, ҳеч бир муволағасиз, фаолият мезони ҳамдир. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳеч бир муружаат — хоҳ у ёзма, хоҳ у оғзаки бўлсин, асло эътиборсиз қолдиришмайди. Қўлимиздан келса ўзимиз, келмас, масала ечимига қодир бўлган ташкилотлар эътиборини жалб этиб бўлса ҳам, кўмаклашиш ҳаракатида бўламиз.

Бу масаланинг бир томони. Шунингдек, аъзоларимизнинг яхши дам олиши, у ёки бу муаммосини ҳал қилишда касаба уюшмалари ҳамма вақтда қўлларини қўймайди. Мана бир мисол: Қўбрай туманидаги «Исчи» хусусий корхонаси касаба уюшма кўмитасининг ташаббуси билан 2009 йилда 25 нафар ходимга «Бўстон» санаторийсига бепул йўлланма ажратилди ва бу мақсадлар учун корхона ҳисобидан 8 миллион сўм сарфланди. Жорий йилда эса 30 нафар ходимни бепул соғломлаштириш режалаштирилган...

Бошқа бошланғичларда ҳам шундай ёқуд шунга интилиш бор. — Дарвоқе, бошланғичларда аҳвол қандай? Сон ҳижатдан ўсишга эришилдими?

— Бугунги кунда вилоят касаба уюшма кенгаши тасарруфида 5 та шаҳар, 11 та туман ва 205 та бошланғич ташкилотлар бўлиб, улар 31 мингдан зиёд аъзони бирлаштирган. Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида бир қанча нодавлат сектори корхоналари банкротга урғангани оқибатида ўз фаолиятини тўхтатган бўлса-да, тадбиркорлик субъектлари ходимларини касаба уюшма аъзоллигига жалб этиш йўлида изланишлар бир зум бўлсин, тўхтаб қолгани йўқ. Бу борада муайян ютуқларга эришилди ҳам.

Камчиликлар, поёнига етмаган ишлар эса, афсуски, хали кўп. Айрим касаба уюшма вакилликлари аъзолар сонини кўпайтириш учун етарлича заҳира борлигини унутиб қўйганга ўхшайди. Маълумки, бугунги кунда яқна тартибда меҳнат қилаётган жисмоний шахслар рўйхатга олинган. Лекин уларни касаба уюшма ташкилотига жалб этиш ҳамон талаб даражасида эмаслиги, кишини ўйга толдиради.

— Демак, жамоа шартномаси аъзолик афзаллигини асослашнинг ўшаши йўқ омили эканлиги устиде кўпроқ бош қотириш ва жойларда ишларни янада жонлантириш керак экан-да?

— Дарҳақиқат, жамоа шартномаси иш берувчи билан ходимлар ўртасида меҳнатга оид ижтимоий-иқтисодий ва касбий муносабатларни тартибга солувчи мезърий ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосини меҳнат унвондорлиги ва махсулот сифатини ошириш, иш берувчи билан ёлланма ишчилар ўртасида барқарор, самарали муносабат ўрнатил, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, одамлар онгида ўз-ўзини бошқариш қўнималарини шакллантириш, ташаббус ва изланувчанликни рағбатлантириш ташкил этади.

Касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, айниқса, кам таъминланган, ёрдамга муҳтож ходимларни моддий қўллаб-қувватлашда жамоа шартномаларининг аҳамияти беқиёс эканлиги барчамизга маълум. Ҳамма гап — ушбу омилар касаба уюшма ташкилоти тузилган жойдагина ўзлигини намоян қилишини тарғиб қила билиш маҳоратида.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоа шартномаларида меҳнатга ҳақ тўлаш шакли, тизими ва миқдори, пул муносабатлари, қўшимча тўловлар, ходимларни иш билан таъминлаш, меҳнат муҳофазасини яхшилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш каби ўта муҳим талаблар ўз ифодасини топмоқда.

Таассуфки, лойиҳалари экспертиза билан тўлиқ қамраб олинмаган ёки ўтказилган экспертизаларнинг сифати паст бўлган, натижада мазмун қонун ҳужжатлари билан мувофиқ келмайдиган жамоа шартномалари ҳам борки, бу ҳол билан ортик мурося қилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, касаба уюшма фаолиятига тўқинлик қўладиган ёқуд уни обрўсизлантирадиган ҳар қандай ҳолат ўз баҳосини олиши ва ташкилотимиз нуфузини оширадиган йўл-йўриқлар ҳаётга изчил таъбиқ этилиши даркор.

— Ходимлар ўртасида маданий-маърифий ишларни ташкил этиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш орқали аввало спортнинг оммавийлигини ошириш, қолаверса, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бугунги кунда касаба уюшма ташкилотларининг фаолият қирраларидан бири бўлиб қолди. Бу эса маблагга — хусусан, бадал тушумига, аъзолар сони ва табиийки, жамоа шартномасига киритилган бандларда бу масала қандай акс этганига боғлиқ.

— Очик айтиш керак, касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини юртида аъзолик бадаллари тушумининг ўзи кифоя қилмайди. Бинобарин, бу муаммонини фақат жамоа шартномалари орқали ҳал этиш мумкин. Бошқача айтганда, жамоа шартномаларига маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш учун зарур бўлган маблағларни ажратиш юзасидан алоҳида бандлар киритилишига эришиш лозим.

Ваҳоланки, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят касаба уюшма кенгаши ҳисобидеги 2 мингдан ортик юридик шахсларнинг бир қанчасида ҳамон жамоа шартномаси тузилмаган. Аксарият жамоа шартномалари матнга уларнинг бажарилишини таъминлашда иш берувчиларнинг масъулиятини акс эттирувчи банд киритилмаган.

Албатта, иш бор жойда хато-камчиликлар ҳам бўлади. Лекин, истардимки, кўнглига хиралик солувчи бундай ҳолатлар иложи бори-ча кўзга ташланмаса. Бунинг учун эса ишга масъулият билан ёндашиш, ташаббускорлик ва изланувчанликни қўлдан бермаслик талаб этилади.

Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси вилоят кенгаши конференциясида айнан шу ва бошқа долзарб масалалар хусусида гап-лашди оламиз.

Сухбатдош: Зайниддин РИХСИЕВ

Фаоллар ҳақида ҳикоялар

Инсонларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Халқ тили билан айтганда, юқтирмасе кийин. Хизматчи оиласида туғилиб, вояга етган Гулзода отаси Тойиржон ака ҳамда онаси Насиба ападан мактаб аъзолиги тарбия олди. Меҳнат фаолиятини пойтахтимиздаги Шайхонтоқур тумани халқ банкида назоратчиликдан бошлади. У қаерда ишламасин, одоби, меҳнатқашлиги ҳамда интилувчанлиги билан яхши ном қолдиришга ҳаракат қилди.

Халқ дарди билан яшаш инсонга қанот бағишлайди

Айни вақтда Гулзода Юнусова туман тармоқ касаба уюшма ташкилоти етакчиси. — Бекорчиликдан яхшилик чиқмайди. Ўткнчи қийинчиликлардан нолайдиган қимсаларни ҳам ўзимга дўст тутмайман, — дейди Гулзода опа биз билан суҳбатда. — Бугунги кунда тадбиркорликка кенг йўл очилган. Ҳар бир соҳа ходими имкониятини ишга солиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳиссасини қўшиши лозим. 132 та бошланғич ташкилотни бирлаштирган туман вакилликнинг асосий мақсади тармоқ ходимларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва уларга кўнглидаги иш шариғини яратиб беришдир. Бу борада маъмурият билан келишган ҳолда ишлаш ниҳоятда қўл келяпти.

Биргина мисол. Тошкент туманидаги «Деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти раиси Нигмон Файзуллаев ишни кўзини биладиган, тадбиркор инсонлардан. Мазкур жамоада харидор ҳамда сотувчилар учун барча шариғини яратилган. Яқинда туманда янги 60 ўринлик «Келес» деҳқон бозори қурилиши бошланди. Албатта, бино қурилгач, аҳолига катта қўлайлик яратилади. Бундан ташқари, бозор тасарруфида «Савдо харид корхонаси» ҳам очилиши мақсад қилиб қўйилган. Натижанда бозор кишин-ёзин янада тўкин бўлади. Гулзода опа биздан маслаҳатини аямайди. Жамоа шартномасида кўрсатилган махсус кийим-бош дейсизми, ёинки жамоамиз аъзоларини иқтисо-

дий-ижтимоий ҳимоялашни барчаси назоратимизда — дейди бошланғич касаба уюшма кўмитаси раиси Жамилла Фозиева. Аъзоларимиз айнан жамоа шартномаси туғайли турли имтиёزلардан фойдаланишяпти.

Р.НЕЪМАТОВ

«Ташаббус — 2010» ғолиблари

Тадбиркорлар фахри

«Туркистон» саройида мамлакатимиз Президенти соврини учун «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтаётгани. Унда иштирок этаётган Тошкент вилояти вакили Гўзал Шукурова «Йилнинг энг яхши фермери» йўналиши бўйича фахрли 2-ўринни эгаллаганлиги ҳақидаги хабар эълон қилинганда залда қарсақлар янгради.

Дастлаб 5 гектар майдонда иш бошлаган тадбиркор тасарруфидеги ер 454 гектарга етди. Асосан боғдорчилик ва ғаллачиликка ихтисослашган «Истиклол — Шукурова Г.Н.» фермер хўжалиги эндиликда чорвачилик, сабзавотчилик соҳаларига ҳам дадил қўл урмоқда. «Ташаббус»нинг вилоят босқичида «Йилнинг энг яхши фермери» дея тан олинган, республика босқичида ҳам совриндор бўлган қўбрайлик фермернинг орзулари бир олам.

— Президентимиз айтганларидек, замонавий фермер етиштирган махсулотини ўзи қайта ишлаши, шу орқали саноатни кишлоққа олиб кириши зарур. Бу нарса иқтисодиётимизга ҳар томонлама фойда келтириши шубҳасиз. Биринчидан, махсулот кўпайса, устига устак янги иш ўринлари очилади. Мен ўз фаолиятимда айнан шунга ҳаракат қиламан. Жорий йил ҳам мен учун ниҳоятда қувончга бой келди. Фахрли иккинчи ўринни эгаллаб, қимматбаҳо совринлар соҳибаси бўлдим. Республикаимиздаги 41 нафар энг тажрибали ишбилармон тадбиркорлар қаторида аёл фермерлардан биринчи бўлиб бундай шарафга муяссар бўлганлигимдан бахтиёрман. Айниқса, чет элга бориб ўқиш, малака ошириш имкониятини қўлга киритганим билан ва кўникларимни бойитиши шубҳасиз, — дейди тадбиркор.

— Гўзал Шукурова каби тадбиркорлар бизнинг фахримиз, — дейди савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши раиси Баҳодир Мирзаев. — Биз барча савё-ҳаракатларимизни уларнинг оғирини энгли қилиш ҳамда тадбиркорлар сафини кенгайтиришга қаратганмиз.

Ўз мухбиримиз

Дам олиш масканларида

Хизмати манзур

Угам дарёсининг ўнг томонидаги ўрмонзорга жойлашган ушбу шифо маскани нафақат шифобахш об-ҳавоси, балки сертавозе ҳамда тажрибали шифокорлари билан ҳам машҳур.

— «Ўзбекбирлашув» тизими акциядорлик компаниясига айлантирилиши муносабати билан 1997 йилдан бошлаб «Хумсон» санаторийи ҳам ўзгача мақомга эга бўлди. — дея ҳикоя қилади сихатгоҳ касаба уюшма кўмитасининг раиси Баҳодир Шамшиев. — Сихатгоҳимизнинг умумий майдони 16,5 гектар бўлиб, ҳудудимизга минглаб мева-оват хамда манзарали дараклар фаёз бериб турибди. Гулзорлар барпо этилган. Бир неча ётоқхона ҳамда даволаш бинолари қурилиб, ишга туширилди. Хориждан қўллаб замонавий тиббий

жиҳозлар келтирилиб, хизмат кўрсатиш даражаси йилдан-йилга юксалиб борапти. Айни вақтга келиб, санаторийимиз республикамизнинг энг сўлим жойларидан бирига айланди. Биз дам олувчилар билан яратилган шариғини ҳақида суҳбатлашдик. — Сихатгоҳга ҳар йили келаман, — дейди Қудрат Эгамбердиев. — Пазандаларнинг маҳоратига гап йўқ. Тиббиёт ходимларининг ширинсуханлигини айтмасизми. Кейинги йилларда санаторий тармоқ ходимларининг иккинчи уйига айланад

бораётгани ҳам ҳақ гап. Бу ерда мамлакатимизнинг турли жойларидан йилга 6 мингдан зиёд киши соғлигини тиклаб кетяпти. Сихатгоҳнинг тиббиёт бўлими мудираси Барно Саъдуллаева даволанувчиларга яратилган шариғини ҳақида гапирди.

— 1994 йилдан буён шу ерда фаолият кўрсатиб келаман. Бу давр мубайнида у буткул ўзгарди. Замонавий ташхис, физиотерапия, лазеротерапия, балчиқ билан даволаш, массааж, игна билан даволаш, фитотерапия ҳамда парҳез овқатланиш усул-

ларидан фойдаланаямиз. Кутубхона, ёғи-қишқи томошагоҳ, дискотека майдони, чойхона, фитнес, бассейн даволанувчилар хизматида. Бундан ташқари, тез-тез тоғ ёнбағирлари ҳамда Бўстонлик туманининг диққатга сазовор жойларига саёхатлар уюштириб турилади.

«Хумсон» санаторийи сизга ҳам ёқиб қолдими? Ундай бўлса, йўл тадоригини кўраверинг. Пушаймон бўлмайсиз.

Ўз мухбиримиз

Фахр

Нон! Нақадар азиз неъмат! Унинг замирида ҳаёт деган маъно ётади. Шунинг учун ҳам бу азиз неъматни дастурхонимизга етказиб берувчи инсонлар азал-азалдан эъзозланиб келинган.

Неъматлар султони

Бекобод шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Алишербек Файз савдо» хусусий корхонаси 2005 йил 20 январда ташкил этилган бўлиб, жамоа довуғини анча олислардан ҳам эшитиш мумкин. Дарвоқе, «Ташаббус—2010» кўрик-танловининг шаҳар босқичида корхона раҳбари Х.Назаров «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича 1-ўринга лойиқ деб топилди ва вилоят босқичига йўллангани қўлга киритди. Вилоят босқичида корхонага фахрли 3-ўрин насиб этди.

2009 йил 1-чорагида корхона Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан модернизация режасига киритилган эди. 2009 йилнинг 4-чорагида режага асосан Россиянинг Саратов шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Восход» ишлаб чиқариш корхонаси билан шартнома тузилиб, янги ном ишлаб чиқариш учун мўлжалланган технологиялар олиб келинди. Ҳозирги кунда корхона жамоаси 10—15 хилдаги сифатли нон ва нон махсулотларини шаҳар аҳолисига етказиб бермоқда.

Ишчиларнинг ойлик маоши ўрта ҳисобда 170 минг сўм атрофида бўлиб, корхонанинг ишлаб чиқариш самарадорлиги, даромад миқдорининг қўлайлиги ҳисобига уларнинг ойланини ошириш ёки уларни рағбатлантириш ташкил этилган. Бундан ташқари, байрамларда ишчиларга энг кам иш ҳақининг 1 баробари миқдориде мукофот тўланмоқда.

— Биз табаррук неъматни пишириб халқимиз дастурхонига етказиб берувчи машаққатли, лекин шарафли касб эгалари эканлигимиздан доимо фахрланамиз, — дейди Ҳасан ака.

Шоҳиста ҲАСАНОВА, касаба уюшма гуруҳи ташкилотчиси

Етакчи минбари

Қатъийликда гап кўп

Касаба уюшмалари жамоат ташкилотлари орасида алоҳида ўрин тутаети. Бу, биринчи навбатда, унинг оммавийлиги билан белгиланади. Бугунги кунда Янгийўл туман, шаҳар савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшма вакиллиги қошида 91 та корхона ва ташкилот касаба уюшма хизматидаги фойдаланиб келмоқда.

Ваҳоланки, Янгийўл туман ва шаҳрида тадбиркорлик фаолиятини бошлаган 700 дан зиёд корхона ва ташкилот мавжуд. Демак, ҳаракат доирасини кенгайтириш учун имконият етарли. Шу боис жамоатчилик асосидаги корхона кенгаши аъзолари билан ҳамкорликда нодавлат ташкилотларни аъзоликка қабул қилиш учун жиддий киришган бўлиб, 2009 йилда тарғибот ишлари натижасида 12 та ташкилотни аъзоликка қабул қилдик. Сафимизга қўшилган «Улғубек-Баҳодир-Омад», «Янгийўл нон-ризк», «Фиш-қурилиш-кафолат», «Гулбахор Матлубот Инвест», «Бойнаҳор Улғай Шакарбой» кичик корхоналари шулар жумласидан. 2010 йил апрел ойида эса ВУ-1 тармоқлари оичмилиги суви ишлаб чиқариш шўба корхонаси

104 нафар аъзоси билан сафимизга қўшилди. Лекин олиб борилган барча савё-ҳаракатларимиз қўшма корхоналар раҳбарлари томонидан тўри қабул қилинмапти. Мисол учун, «Вкусный хлеб» қўшма корхонаси 6 ойлик музокарадан сўнг ёзма равишда рад жавобини берди. «Ана текстил» Ўзбекистон — Туркия, «Фараз ЛТД» Ўзбекистон — Покистон, «Сани Пейпер» Ўзбекистон — Покистон қўшма корхоналари раҳбарлари куруқ ваъдадан нарига ўтишмапти.

Шунга қарамай, меҳнатқашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш мақсадида иш берувчилар билан ижтимоий ҳамкорлик кучайтирилмоқда. Ҳамкорликни қонуллаштирувчи ва рўёбга чи-

қарувчи асосий омили эса, бу жамоа шартномаларидир. Касаба уюшмаси кириб бормаган корхона ва ташкилотларда касаба уюшма ташкилоти бўлмаган жойда иш берувчи ташаббуси асосида ходимлар билан тузилган шартномани бекор қилишнинг ҳеч қийин жойи йўқлиги ҳам беш қўлдек маълум. Айнан шунинг учун ҳам биз меҳнатқашларнинг ҳуқуқ ва ижтимоий кафолатларини таъминлаш йўлида иродамизни намоян этишимиз ва куч-ғайратимизни тўла ишга солишимиз шарт.

Саодат АБДУЛЛАЕВА, Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгашининг Янгийўл шаҳар ва туман бўйича вакили



Марғилон янгиликлари Каштачилик курси

Марғилон шаҳридаги «Хунарманд» уюшмаси бўлими қошида каштачилик курси ташкил этилган...

Нафосат ва гўзаллик шайдолари

Республикада кизларнинг бадиий гимнастика билан шугулланиш учун яратиб берилган кулай шарт-шароит туфайли спортнинг бу нафис тури тобора оммалашиб бормоқда...



Бугунги кунда мазкур ўқув масканида 820 нафар иқтисодчи йигит-қизлар рақс, дутор, доира чолғулари ижрочилиги, тасвирий санъат каби ўнга яқин йўналишда тажрибали ўқитувчи-мураббийлардан маҳорат сирларини ўрганмоқда...

Суратларда: ўқитувчи Жамила Тўхтаева машғулот пайтида; Фирдавс Намозов устози Насиба Химматқулова билан машғулот вақтида.

Фарҳод АБДУРАСУЛОВ (ўЗА) олган суратлар

Термиз санъат коллежида ўқувчи-ёшларнинг юксак педагогик технологиялар асосида билим олиши...

Газетхон илҳоми Вақт

Чўққидан ташланган сойми тулпоринг, Тўхтамас, тургандек кутиб тожу-тахт. Ортга ҳам бир боққил, десам ёлвориб, Рад этиб, отингни қамчилайсан, вақт.

Бунча югуриксан, оҳумисан ё, Оқиб кетяпти-ку ёшлик пайдар-пай. Мен унинг ортидан етолмай ҳайрон, Кимни айбалагим қолсам етолмай?

Нелардир чалинар қулоққа бот-бот, Шарқираган сойми, Тулпорми, билмам. Балки у сендирсан, э вақт, шошқалоқ, Қўл чўзгум этагинг тутолмасам ҳам.


Оқ буюм

Бағринг ҳам оқ дея суюнган эдим, Афсусларким, экан зулматдек қора. Сен сабаб қовжираб қолди майсалар, Умидлар чил-парчин, Чора йўқ, чора.

Чирой хусндасам, кўнгилда экан, Оқ булут, қўлдинг-ку ганимларни шод. Қора булутчалик бўла олмадинг, Ул қўлди оламни гўзал ва обод.

Умид ҒАҒФОРОВ, Ургут туманидаги 141-мактаб ўқитувчиси

Анъана давом эттирилади



Оролбўйи болаларини Тошкент шаҳри ҳамда вилоятидаги ёғи болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдириш яхши удумга айланиб қолди.

Болаларни қабул қилиб олиш учун барча шароит яратиб қўйилди, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг маданий-маънавий ва спорт ишлари бўйича бош мутахассиси Мавлуда Шукурова...

Хушхабар

Равшан Эрматов дунё вигоҳида!



Сидаги жаҳон чемпионатида бир марта бош ҳакамлик қилган. Ёдингизда бўлса, 2008 йилда Эрматов клублар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг финал учрашувини ҳам бошқарган эди.

ЖАРда Эрматовга ўзбекистонлик Рафаэл Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоров ёрдам беришади. Ҳамюртимиз МДХ ва Болтибўйи давлатлари ҳудудидан мундиалга йўл олган агона бош ҳакам ҳисобланади.

ФИФА жаҳон чемпионатининг 1-тур ўйинларини бошқариб борадиган барча ҳакамлар номини маълум қилди. Ўртдошимиз Равшан Эрматов мундиалнинг биринчи хуштағини чалиб берса, иккинчи ўйин ҳам кутилмаганда осийлик ҳакам — кунчиқар юрт вакили Нисимурга ишончи топирилган.

Эслатиб ўтамиз, ЖАР ва Мексика терма жамоалари ўртасидаги очилиш учрашуви 11 июн кунги Тошкент вақти билан 19:30да бошланади.

Олтин мерос

Зиёратгоҳ обод қилинди

Ғузур тумани Гулшан фуқаролар йиғини ҳудудидаги Мартепа қишлоғида Ҳазрати Мири Жанда ота зиёратгоҳи жойлашган.

Қишлоқ оқсоқоллари, тadbиркорлар ва кенг жамоатчиликнинг ташаббуси билан анча йиллардан бери қаровсиз ҳолда қолдирилган қадимий обидани янгидан чирой очди.

Ғузурликларнинг авлод-аждодалардан мерос қолган обидалар, осори-атиқаларни асраб-авайлаш ва таъмирлаш соҳасидаги фаолияти барчага ўрнак бўларли, — дейди қадимшунос олим, профессор Убайдулло Уватов.

Айни пайтда Ҳазрат Мири Жанда ота зиёратгоҳига республикамизнинг ҳамма бурчакларидан зиёратчилар, сайёҳлар таширф буюришапти.

Иззат ҲИҚМАТОВ

Билиб қўйган яхши

Бу ўсимликни «ўлмас ўт» деб ҳам аташади. Русчада «бессмертник» ёки «цими пещаный» номи билан юритилади. Латинча номи Helichrysum агаратиум.

Бўзnoch хосияти



Бўзnoch гуллари бир талай хасталикларни даволашда тавсия этилган. Ушбу гивҳ маълум даражада ўт (сафро) ажралиб чиқшини кучайтиради. Ҳалқ табобатида дамламаси нафақат ўт (сафро) ҳайдовчи, балки өнгил сурғи дори сифатида қабзиятда тавсия этилади.

Усимликнинг яна бир хосияти аниқланган. Украина Фанлар академияси микробиология ва вирусология институти олимларининг изланишлари натижасида янги дори — аренадин — кўз суртмаси яратилди. Асосий таъсир этувчи моддаси аренадин (гивҳнинг латинча номи) бўзnoch гулидан олинган.

Куйида барча ўйинлар реферилари билан танишишингиз мумкин. БИРИНЧИ ТУР УЧРАШУВЛАРИ:

- 11 июн. Жума ЖАР — Мексика (ЭРМАТОВ, Илёсов - Ўзбекистон, Қўчқоров, Қирғизистон)
11 июн. Жума Уругвай — Франция (НИСИМУРА, Сагара - Япония, Джон Хэ Сан - Жанубий Корея)
12 июн. Шанба Аргентина — Нигерия (ШТАРК, Зальвер, Пикель - Германия)
12 июн. Шанба Жанубий Корея — Греция (ХЕСТЕР, Хиңц - Янги Зеландия, Макасини - Конго)
12 июн. Шанба Англия — АҚШ (СИМОН, Хаусманн, Браец - Бразилия)
13 июн. Якшанба Жазаир — Словения (ПОСО КИНТЕРОС, Басуальто, Мондриа - Чили)
13 июн. Якшанба Германия — Австралия (РОДРИГЕС МОРЕНО, Камарго Гальядо, Морин Мендес - Мексика)
13 июн. Якшанба Сербия — Гана (БАЛЬДАССИ, Касас, Майдана - Аргентина)
14 июн. Душанба Голландия — Дания (ЛАННУА, Дансолье, Юго - Франция)
14 июн. Душанба Япония — Камерун (БЕНКЕРЕНСА, Силва Кардинал, Миранда - Португалия)
14 июн. Душанба Италия — Парагвай (АРЧУНДИЯ, Торрентера Ривера - Мексика, Вергара - Канада)
15 июн. Сешанба Янги Зеландия — Словакия (ДЖЙЕЛМОН - ЖАР, Нтагунгира - Руанда, Молефе - ЖАР)
15 июн. Сешанба Кот-д'Ивуар — Португалия (ПАРРИОНДА, Фандино, Эспиноса - Уругвай)
15 июн. Сешанба Бразилия — КХДР (КАШШАИ, Эррош, Вामош - Венгрия)
16 июн. Чоршанба Гондурас — Чили (МЭЙЛЕТТ — Сейшел ороллари, Менкуанде - Камерун, Хассани - Тунис)
16 июн. Чоршанба Испания — Швейцария (УЭББ, Кэнн, Малларки - Англия)



Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV

(Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Toshev

Navbatchi: Sh. Abdusamadov

Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatib shart. Ma'lumotlarni taqdim etish uchun nazaridagi farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 21.45

Buyurtma G — 551

18774 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5